Озарбайжон турк сахнаси якинда 50 ёшга кириши муносабати билан катта бир байрам килиб ўтказди.

Хакикатан, Русия турклари орасида энг эски сахнага эга бўлгонлар — Озарбайжон туркларидир. Озарбайжон театр ёзувчилигининг отаси бўлгон Мирзо Фатхали Охундўвнинг ўлганига, озарбайжон сахнасининг улуг огаси бўлгон Араблинскининг дунёдан кетганига бир неча йил бўлуб колди. Ўзининг шу учун умрида кўб огир кунларни ўтказган бу сахна, бу кун улуг ва ярашар бир шараф билан ўзининг эллик йиллик байрамини ўтказмакдадир.

Бокуда чикадургон «Кўммунист» рафикимиз шу байрам шарафига бир бош макола багишлаган. Ул маколада нафис санъатнинг ахамияти, озарбайжон сахнасининг бошидан ўтказган огир кунлари ва унинг хозирги ахводи тўгрисида фикр юргизиладир.

Хакикатан, 50 йил оз муддат эмас.

Бу муддат орасида кўб нарса ишламак мумкин. Лекин, озарбайжон сахнаси хам бизнинг сахнамиздек халкнинг энг кора жохил вактида бош кўтарганлигидан; «Чапга айланса кофирлик, ўнгга бурилса динсизлик таънага йўлукуб, дин талкин килгувчи динсизларнинг хар турлик хужумлари остида колиб ок саллалик бойкушлар, коп-кора нодонларнинг чангалидан халкни кутказиб олмокка тиришкон».

Албатта, бундай бир мухитда 50 йил яшагон сахна жуда кўб нарса кила олмаса, маъзурдир. Учмасдан, сўнмасдан, йўк бўлмасдан давом этиб келган бўлса, бу кун шу хам катта хизматдир.

«Кўммунист» рафикимиз: «Бу кунги театримиз кечаги вазифасини ифо(да) килиб турадирми? Бу кунги сахнамиз маданиятга томон хатлагон кадамларимиз билан чикишдирила олурми?» деб иккита мухим савол бергандан кейин, бу саволга ўзи: «Таассуфга карши, дархол «йўк!» калимасини кўллашга мажбур бўлиб коламиз», деб жавоб берадир.

«Кўммунист» рафикимиз бу савол ва бу жавоблари билан сахнанинг шу кунги холига каноатлана олмагонлигини кўрсатмак истайдир. Маколасинниг охирида сахнанинг тузалиши учун «масъулиятни ухдасига олгон Озарбайжон маориф комиссарлигига муваффакият» тилайдир.

Зотан, рафикимизнин тилаган муваффакияти таъмин этилган хисобдир. Сахна ва санъат ишлари учун бурун хам хозир хам энг керак бўлгон моддиёт масъаласи ортиги билан хал этилган: «Байрам кунида Озарбайжон турк театрига декаратсиялар хозирламок учун маориф комиссарлиги томонидан 100 сўм олтун пул чикарилгон.

Байрам комиссиясининг бир мажлисида хўжалик идораларининг турк театрига моддий ёрдам беришлари лозим эканлиги тўгрисида бир карор чикарилиб, биринчи ўларок куйидаги идоралар иона килгонлар: Халк комиссарлар Шўроси раиси ўрток Сабикиф, комиссарлар шўроси отидан 15000 сўм олтун пул, Озарбайжон нефть идораси раиси Йўлдош Серибруфски 15000 сўм олтун пул, саноат тижораси комиссари ўрток Султониф 10000 сўм олтун».

Бу ёрдамнинг бошидир хали давоми ва охири бор. Демак, Озарбайжон сахнаси тўла таъмин этилган.

Биз, бу ерда — ўзбек давлат труппасини таркатиш арафасида турубмиз. Шунда хам маъюс бўлмаймиз. Унингда кадри билинур вакти бордир, ахир!

Хозирча том маъноси билан етим бўлган ўзбек сахнасининг бир мухиби, бир оркадоши сифати билан: Озарбайжон сахнасини кутлаймиз!

_____

Сахналар теграсида. — «Туркистон» газетасининг 1923 йил 15 апрель сонида босилган.

Мирзо Фатхали Охундов (1812—1878) — озарбайжон ёзувчиси, маърифатпар, файласуф. Озарбайжон драматургиясининг асосчиси.

Араблинский — Халафов Хусайи Мамед ўгли (1881—1919), озарбайжон демократик театрининг асосчиси, актёр ва режиссёр.

«Коммунист» — Бокуда озарбайжон тилида 1919 йилдан бошлаб чиккан газета.